

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD 05/30.12.2019. Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

МАХМАДИЯРОВ ОТАБЕК АХАТКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АСАЛАРИЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА ТАБИИЙ ВА МИНЕРАЛ ОЗУҚАЛАРДАН
Фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш технологияси**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати**

Самарқанд – 2020

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферат мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Махмадияров Отабек Ахаткулович

Ўзбекистонда асалариларнинг маҳсулдорлигини оширишда табиий ва минерал озукалардан фойдаланиш технологиясини

такомиллаштириш..... 3

Махмадияров Отабек Ахаткулович

Совершенствование технологии использования натуральных и минеральных кормов для повышения продуктивности пчёл в

Узбекистане..... 19

Makhmadiyarov Otabek Akhatkulovich

Improvement of technology of use of natural and mineral feeds at increasing productivity of bees in

Uzbekistan..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD 05/30.12.2019. Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

МАХМАДИЯРОВ ОТАБЕК АХАТКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АСАЛАРИЛАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ
ОШИРИШДА ТАБИИЙ ВА МИНЕРАЛ ОЗУҚАЛАРДАН
Фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқариш технологияси**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати**

Самарқанд – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018.2 PhD/Qx 318 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) 05/30.12.2019. Qx.75.01 рақамли Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Омон Сафарович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Холмирзаев Дустмухаммад

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори., профессор

Кахрамонов Боймахмат Абдиазизович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., доцент

Етакчи ташкилот:

Ипакчилик илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 06 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, мажлислар зали 2-кават, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (168-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-кават Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 06 куни тарқатилди.

(2020 йил «5» 06 даги 4 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]

Н.А.Бобокулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к-х.ф.д., профессор

[Signature]

М.Ш.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, к-х.ф.д., катта илмий ходим

[Signature]

С.Ю.Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к-х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнинг барча қитъаларидаги мамлакатларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда асаларичиликни янада ривожлантириш, асалари оиласи маҳсулдорлигини ошириш ҳам муҳим ҳисобланади.

Асаларичилик ривожланган мамлакатларда асалариларни тўла қийматли озиқлантиришнинг замонавий инновацион технологияларини қўллаш асосида, жаҳон генофондига хос машҳур асалари зотлари ва типлари яратилмоқда, маҳаллий зотлар такомиллаштирилмоқда, бунинг натижасида йилига ҳар бир асалари оиласидан ўртача 50-60 кг товар асал ҳосили олишга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос табиий иқлим шароитида асалари оиласини тезкор технология асосида боқиш қулайдир. Шунинг учун ҳам асаларичилик қишлоқ хўжалигининг асосий етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Асалариларни фойдали ва сердаромад томони шундаки, улар ўсимлик гулларини четдан чанглатиш йўли билан, турли экинлар ҳосилдорлигини 10-60 % гача оширади. Республикамиз шароитида кенг майдонларда экиладиган ғўза, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, озуқабоп ҳамда полиз экинлари гулини четдан чангланишида асаларилар муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларини асалари ёрдамида четдан чангланиши натижасида, пахта ҳосилдорлиги 2-4 центнерга ошган, кўсақлар сони 13-18 % га кўпайган ва унинг пишиб етилиш муддати 3-5 кун олдин бўлган. Бундан ташқари тола сифати яхшиланган, чигитда ёғ миқдори кўпайган. Буларнинг ҳаммаси келгуси йил ҳосили учун яхши сифатли уруғ тайёрланишига имкон яратган. Шунингдек, асалариси бўлган хўжаликларда бир гектар мевали дарахтлар гули чанглатилса, ҳосилдорлик 7 центнерга, мевали дарахтлар ҳосилдорлиги 35-60 %, беда уруғлари 13,9-15,1 %, полиз ва сабзаёт экинлари эса 35-60 % гача ошганлиги исботланган. Буларнинг бари асалари ёрдамида чанглатилганда ҳосилдорлик яққол ортиб боришини кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда Республикамизда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида, сифатли асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар қабул қилинган. Жумладан 2017 йил 16 октябрда Республикамиз Президентининг “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3327 сонли қарори қабул қилинди¹.

Мазкур қарорга асосан Республикамиз шароитида асаларичилик маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш,

¹ Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ -3327 сонли қарори қабул қилинган.

маҳсулот этиштиришнинг замонавий илғор усулларини жорий этиш, хусусан асаларилар учун сунъий озуқалар ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда

ташкил этиш ва ушбу тажрибани кенг қўллаш натижасида асаларичилик озуқа баъзасини мустаҳкамлаш каби замонавий илғор технологияларни жорий этиш зарур. Аммо, кейинги йилларда республикада асалари оиласи сурункали шакар озуқаси билан озиқлантирилиши оқибатида ва бундай озуқалар таркибида витамин, ёғлар, углевод, аминокислоталар, микро ва макро элементларни этишмаслиги сабабли, асалариларни баҳорда сифатли озуқалар билан озиқлантиришга эътибор берилмаяпти. Натижада, асалари оиласининг маҳсулдорлиги пасайиши кузатилмоқда. Бу эса асалари оиласини табиий ва минерал озуқалардан фойдаланиш ва микро элементларга бой бўлган препаратлар билан озиқлантириш лозим.

Шу мақсадда Республикаимизнинг асаларичилик хўжаликлариغا 2018 йилда 100 мингдан зиёд зотдор она асаларилар Украина республикасидан келтирилди. Хозирги кунда 500 минга яқин зотдор она асаларилари республикаимизда мавжуд. Республикада асалари оиласи маҳсулдорлик хусусиятларини ошириш мақсадида, уларни ҳар хил таркибдаги озуқалар билан озиқлантириш, хусусан республикаимиз шароитида асалари оиласини майсали буғдой (сумалак) суви билан озиқлантириш ишларини илмий-тадқиқотлар асосида ўрганиш, асалари оиласини маҳсулдорлигини тўлиқ юзага чиқариш ва маҳсулдорликни оширишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга тавсия этиш, бугунги кунда зоотехния фани олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти, муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V банди “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Асалари оиласини маҳсулдорлигини ошириш борасида хориж олимларидан жаҳон асаларичилигида асалари оиласини ҳар хил премикслар билан озиқлантириш йўлларини Л.И.Бойценюк., Д.В.Шишканов., А.М.Ишмуратов., Е.Г.Билаш каби тадқиқотчилар, асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишда ҳар хил премикслар ва табиий озуқалар билан озиқлантириш истиқболларини кўрсатиб, озиқлантириш ишларини тўғри ташкил этиш, озиқлантиришни оиланинг асал ва мум маҳсулдорлигига, асалари оиласининг қишлоғига, асал сифатига ва таркибига таъсирлари алоҳида эътибор беришни кўрсатиб берганлар.

О.С.Тураев тадқиқот ишларида сунъий сут (қорамол сут) маҳсулотларидан фойдаланишни кўрсатиб берган бўлса, Г.Б.Кошпаева (2010), О.С.Тураев ва бошқалар (2011) тадқиқотларида оила

маҳсулдорлигини оширишда “Селен” микроэлементларидан ва “Мултимакс” премиксидан фойдаланишнинг афзаллик томонларини кўрсатиб берганлар. Ўзбекистон шароитида маҳаллий популяциядаги асалари оиласини маҳсулдорлигини оширишда табиий озуқалардан фойдаланиш тўғрисида деярли маълумотлар йўқ. Булар албатта асалари оиласини озиклантиришда муҳим амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтининг КХ4Ф-10 рақами билан рўйхатга олинган “Ўзбекистонда маҳаллий популяциядаги асаларларининг морфологик белгилари, хўжалик фойдали хусусиятлари, асал сифати ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини чанглантиришни яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади. Ўзбекистонда асалариларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун озуқаси таркибига қўшимча табиий ва минерал озуқаларни озиклантириш технологиясидан фойдаланиб, асалари оиланинг ўсиши ва ривожланишини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон шароитида асалари оиласини қўшимча табиий ва минерал озуқаларидан озиклантиришнинг таркиби ва меъёрларини ишлаб чиқиш;

табиий озуқаларнинг асалари оиласининг ўсиш ва ривожланишига, бир кунлик ишчи асалари ҳамда она асаларининг вазнига таъсирини ўрганиш;

минерал озуқаларнинг асалари организмга, ундаги ёғ, оқсиллар, (протеин) ва тамоқ безларига таъсирини ўрганиш;

табиий ва минерал озуқалар билан озиклантирилган асалариларнинг қишлови даврида унинг танасидаги нажас, ёғ, асал сифати ва маҳсулдорлигига таъсирини ўрганиш;

иссқхоналарда асалари оиласини турли хил озуқалар билан озиклантиришда ишчи асалариларни кун давомида учиш фаолигига таъсирини ўрганиш;

илмий тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг маҳаллий популяциядаги асалари оилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Маҳаллий популяциядаги асалари оилалари маҳсулдорлигини, озиклантириш омилларини асалари организмга таъсири, асалнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида зоотехникавий (асал ва мум маҳсулдорлиги, асалнинг сифат кўрсаткичлари) биологик (асалари организмда бўладиган физиологик ўзгаришлар, ёғ, протеин, томоқ бези) ва статистик (ўртача арифметик кўрсаткич ва хато,

ўзгарувчанлик коэффициенти, гуруҳлараро фарқлар ишончилиги) усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Қуйидагилардан иборат:

- илк бор Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароитида майсали буғдой (сумалак) сувининг, асалари оиласи маҳсулдорлигига таъсири аниқланган;

- майсали буғдой (сумалак) суви билан озиклантирилган асаларилар организмида бўладиган физиологик ўзгаришлари аниқланган;

- асалари оиласининг асал ва мум маҳсулдорлигини ошиши, уларнинг турли хил озиклантириш омилларига боғлиқлиги исботланган;

-табиий ва минерал озуқалар билан озиклантиришда асалари оиласининг ўсиш ва ривожланишига ҳамда она асаларининг кунлик тухум қўйишига таъсири аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон шароитида асалари оиласини майсали буғдой (сумалак) суви билан озиклантиришнинг оила маҳсулдорлигини (асал, мум, гулчанги ва бошқалар) ошириш усули ишлаб чиқилган;

- маҳаллий популяциядаги асалари оилалари маҳсулдорлигини ошириш турли омилларга боғлиқлигини такомиллаштириш ва уларни асалари қишлоғига таъсири каби усуллар ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Илмий тадқиқот натижаларига ҳамда бирламчи ҳужжатларга Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш Маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилган, барча экспериментал маълумотлар статистик таҳлилдан ўтказилган, олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, асалари оиласини озиклантиришда майсали буғдой (сумалак) сувини оила маҳсулдорлигига таъсирини дастлабки кундан бошлаб амалга ошириш тадбирларини қўллаш, нафақат, уларни асал маҳсулдорлигини юқори даражада бўлишини таъминланиши билан асалари оиласини қишлоқ давридан соғлом чиқишини таъминлаш хусусиятларини турли омилларга боғлиқликда такомиллаштирилган.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий популяциядаги асалари оиласини маҳсулдорлигини ошириш мақсадида табиий ва минерал озуқалардан фойдаланишнинг афзаллик томонлари, унинг меъёрлари ва озиклантириш усуллари ишлаб чиқилган. Асалари оиласининг асал ва мум маҳсулдорлигини оширишдаги роли муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамизда маҳаллий популяциядаги асалари оилаларининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида, уларни турли хил табиий ва минерал озуқалар билан озиклантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги “Орзу, Олим, Дилмурод асаллари” фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 30 январь 2020 йилдаги 02/23-40-сон маълумотномаси) Натижада солиштирма иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, I-назорат гуруҳида ҳар бир асалари оиласидан 27,1 кг асал олинган бўлса, бу кўрсаткич II-тажриба гуруҳида 40,5 кг ни ва III-тажриба гуруҳида эса 35,2 кг ни ва рентабеллик даражаси I-назорат гуруҳида 23,0 % ни, II- тажриба гуруҳида 87,3 % ни ва III-тажриба гуруҳида эса 58,7 % ни ташкил этган.

Жиззах вилояти Дўстлик тумани “Турдимурод Сайдахмат” МЧЖда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 30 январь 2020 йилдаги 02/23-40-сон маълумотномаси). Натижада олинган кўрсаткичларининг солиштирма иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, I-назорат гуруҳида ҳар бир асалари оиласидан 26,1 кг асал олинган бўлса, бу кўрсаткич II-тажриба гуруҳида 35,5 кг ни ва III-тажриба гуруҳида эса 28,3 кг ни ва рентабеллик даражаси I-назорат гуруҳида 22,0 % ни, II- тажриба гуруҳида 75,2 % ни ва III-тажриба гуруҳида эса 48,7 % ни ташкил этган.

Самарқанд шаҳар “Exclusive colden honey” МЧЖ нинг асаларичилик хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 30 январь 2020 йилдаги 02/23-40-сон маълумотномаси). Натижаларнинг солиштирма иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, I-назорат гуруҳида ҳар бир асалари оиласидан 26,2 кг асал олинган бўлса, бу кўрсаткич II-тажриба гуруҳида 38,2 кг ни ва III-тажриба гуруҳида эса 35,2 кг ни ва рентабеллик даражаси I-назорат гуруҳида 23,0 % ни, II- тажриба гуруҳида 74 % ни ва III-тажриба гуруҳида эса 48,6 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда (Астрахань, Барнаул, Бошқиртдистон, 2017, 2018 й.й) ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-амалий ҳисобот конференцияларида (Самарқанд, 2017-2018-2019) муҳокама қилинган. Шунингдек, Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг “Паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик” кафедрасининг йиғилишларида (2017,2018 й.й) махсус комиссияларининг апробациясидан ўтказилиб, ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 12 та мақола чоп эттирган. Шундан; хорижий журналда 2 та, ОАК рўйхатидаги журналларда 1 та Халқаро ва Республика миқёсидаги конференция материалларида 9 та мақоласи эълон қилинган. Диссертация бўйича 5 та тавсиянома 1 та услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи ва тўртта боб, хулоса, тавсиялар ва 188 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** бобида мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниб, Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос маҳаллий асалари популяциялари бор. Улар бир-бирларидан ўзининг хулқ-атвори билан кескин фарқ қилади. Шу мақсадда кўпгина асаларчи олимларнинг ўтказган тадқиқотларида, уларнинг генофондини соф ҳолда сақлаб қолиш натижада, уларни ҳар хил табиий иқлим шароитларида яшашини ҳисобга олиб, кўриқлаш, кўпайтириш, махсус кўриқхоналар ташкил қилиш ва маҳсулдорлигини ҳисобга олиб, улардан селекция ва наслчилик ишларида кенг фойдаланиш таклифларини ўртага ташламоқдалар. Кўплаб муаллифларнинг маълумотлари умумлаштирилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларни ўтказиш жойи ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг манзили объекти, схемаси ва услублари ёзилган.

Тадқиқот объекти қилиб, Ўзбекистоннинг маҳаллий популяциясидаги асалари оилалари танланган.

Диссертациянинг **“Хусусий тадқиқотлар”** деб номланган учинчи бобида хусусий тадқиқотлар натижалари келтирилади. Асаларичилик соҳасини тезкор технологиялар асосида ривожлантириш мақсадида, асалари оиласини эрта баҳордан бошлаб озиклантириб, уларни ўсиши ва ривожланишини ҳамда асалари оиласини танлаш ва баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам асаларичиликда асалари оиласини озиклантириш, илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, асалари оиласини баҳолаш талаб даражада ўтказиш муҳимдир.

Асаларичилик соҳасини жадал ривожлантириш учун, озиклантириш ишларини амалга ошириш мақсадида, асалари оиласини баҳолаш ишларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асалари оилаларини танлаш ва баҳолашдан кўзда тутилган асосий мақсад, асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишга, оиладаги насл хусусиятларини яхшилаш ва уларни кўпайтиришдан иборатдир.

Тажриба ўтказиш учун асалари оилалари ўхшашлик асосида танлаб олинди ва оила кучи, она асалари ёши, уядаги озуқа миқдори ва тизими ҳамда асалари касалликларини йўқлиги аниқланди. Тажриба ва назорат гуруҳларида эса 10 тадан асалари оилалари танлаб олинди.

Она асаларининг кунлик тухум қўйиши тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба гуруҳларидаги асалари оилаларини озиқлантириш, уларни асал маҳсулдорлиги ва физиологик ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилди ва уларни асраш, боқиш шароитлари бир хил бўлди.

1-жадвал

Турли хил озуқалар билан озиқлантирилган асалари оиласида, она асаларининг кунлик тухум қўйиши (дона)

Асалари гуруҳи, n=10	Тажриба-нинг бошланишида 10.03	Тадқиқотлар даврида					
		20.03	Назорат-га нисбати %	31.03	Назорат-га нисбати %	14.04	Назорат-га нисбати %
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	748±18,0	1042±8,0	100,0	1319±70,4	100,0	1520±80,5	100,0
II-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ майсали буғдой (сумалак) суви	711±18,7	1528±7,1	123,1	1780±82,0	134,9	2119±86,3	139,4
III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ мультимакс премекси	728±18,1	1200±9,1	115,2	1531±67,1	116,0	1875±86,1	123,4

1-жадвал маълумотларини кўрсатишича, турли хил озуқалардан фойдаланган гуруҳларда она асаларининг кунлик тухум қўйиши юқори бўлган ва улар кунсайин ортиб борган. Тадқиқотларнинг бошланишида она асаларининг кунлик тухум қўйиши 711,0 донани ташкил этган бўлса, сумалак суви билан озиқлантирилгандан сўнг, 20 мартда 1528,0 донани, 31 мартда 1780,0 донани ва 14 апрелда эса 2119,0 донани ташкил этган, ёки бу назорат гуруҳига нисбатан 134,9-139,4 % га кўп бўлган ($P>0,999$)

Худди шундай асалари оилаларини минерал озуқалар билан озиқлантирилган III-тажриба гуруҳида дастлабки кузатувнинг 10-март кунида 728 донани ташкил этган бўлса, 20- мартга келиб она асаларининг кунлик тухум қўйиши кунсайин ошиб 1200 донани (115,2 %) 31-мартга келиб 1531 донани (116,0 %) ни ва 14-апрель кунига эса 1875 донани (123,4 %) ни ташкил этган. Барча гуруҳларда ишончлилиқ даражаси бўлиб $P>0,999$ ни ташкил этади.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Мультимакс” премекси билан озиқлантирилган, III-тажриба гуруҳида асалари оиласининг

ўсиши анча юқори бўлган. Баҳор фаслида уч марота ўлчов ўтказилганда, асалари оиласида, насл миқдори $700,9 \pm 3,11$ квадратга тенг бўлган, ёки бу назорат гуруҳига нисбатан $171,9$ квадратга кўпдир ($132,3$ %). Бу кўрсаткич, II-тажриба гуруҳида энг кўп $819,9 \pm 2,0$ квадратни ($154,8$ %) ва назорат гуруҳида эса $529,0 \pm 2,30$ квадратни ташкил этган. ($P > 0,999$)

2-жадвал

Турли хил озуқалар билан озиклантирилган асалари оилаларида, насл миқдорининг ўсиши ва оила кучи

Гуруҳлар	Насл миқдори (кв)			Оила кучи		
	$X \pm S \times$	$C_v, \%$	%	$X \pm S \times$	$C_v, \%$	%
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	$529,0 \pm 2,30$	9,91	100,0	$5,70 \pm 0,21$	2,31	100,0
II-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати + майсали буғдой (сумалак) суви	$819,1 \pm 2,0$	7,04	154,8	$7,54 \pm 0,78$	4,11	132,3
III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати + мультимакс премекси	$700,9 \pm 3,11$	6,15	132,5	$7,10 \pm 0,81$	3,70	124,5

Булардан кўриниб турибдики, майсали буғдой (сумалак) суви эрта баҳорда 10×1 нисбатда берилганда, асалари оиласини ўсиши ва ривожланишига энг яхши восита бўлган ҳисобланади. Худди шундай, асалари оиласи кучи, унинг асалари ромлари ўртасидаги йўлакчалари сони билан ҳисобланганда, II-тажриба гуруҳида $7,54$ та асалари йўлакчасини ташкил этган, ёки бу назорат гуруҳига нисбатан $132,5$ % га кўп бўлган, I-тажриба гуруҳларида бу кўрсаткич $124,5$ % га тенг бўлган. Бу кўрсаткичлар ҳамма вариантларда ҳам ишончли бўлган ($P > 0,999$).

3-жадвал

Ҳар хил озуқаларнинг асалари личинкаси ва бир кунлик ишчи асалари вазнига таъсири, (мг)

Гуруҳлар	n	Беш кунлик личинка вазни, (мг)			Бир кунлик ишчи асалари вазни, (мг)		
		$X \pm S \times$	$C_v, \%$	%	$X \pm S \times$	$C_v, \%$	%
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	10	$0,133 \pm 0,12$	5,18	100,0	$101,4 \pm 0,09$	3,09	100,0
II- тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати + майсали буғдой (сумалак) суви	10	$0,153 \pm 0,31$	22,34	114,9	$109,8 \pm 0,41$	25,4	108,3
III-тажриба гуруҳ: 50 % ли шакар шарбати + селен препарати	10	$0,148 \pm 0,19$	6,20	110,9	$105,3 \pm 0,22$	4,05	103,8

	50 % ли шакар шарбати+ мультимакс ремекси		0,149±0,22	7,09	111,6	106,7±0,19	5,00	105,2
--	---	--	------------	------	-------	------------	------	-------

Шунингдек, асалари оиласини эрта баҳорда ҳар хил минерал озукалар билан озиклантирилган, асалари оиласидаги ишчи асалари личинкалари ва бир кунлик ишчи асалари вазни ўрганилди. Бунинг учун ишчи асалари личинкалари 5 кунлик давридаги вазни ва етишиб чиққан бир кунлик ишчи асаларилар вазни, дала электрон тарозисида тортиб аниқланди. Унинг натижалари қуйидаги 3- жадвалди келтирилган.

3-жадвал кўрсаткичларидан шундай хулосалар қилиш мумкин, асалари оиласини эрта баҳордан бошлаб, уларни ҳар хил минерал озукалар билан озиклантирилганда, асалари оиласида етишаётган, ёш личинкалар вазнига ва бир кунлик ишчи асалари вазнига ҳам ижобий таъсир этар экан. Озиклантирилган асалари оиласидаги 5 кунлик личинкалар вазни, II-тажриба гуруҳида 0,149,3±0,22 мг.ни ташкил этган.

Бу кўрсаткич назорат гуруҳида 0,133,7±0,12 мг бўлган. Ёки тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 15,6 мг .га ёки, 111,9 % га кўп бўлган. Худди шундай, I-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 148,4±0,19 мг. ни ташкил этган. Назорат гуруҳга нисбатан 14,7 мг ёки 110,9 % кўп бўлган. (P>0,999). Худди шундай, бизнинг тадқиқотларимизда майсали буғдой (сумалак) сувининг она асалари личинкаларининг ривожланишига ва шаклланишга таъсирини ҳам ўргандик. Она асалари етишиб чиқадиган онадонлардаги личинкаларнинг усти беркитилишидан олдин, уларнинг оғирлигини махсус электрон тарозида ўлчаб олдик. Бу тўғридаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Турли хил озукаларнинг онадонлардаги она асалари личинкаларининг беш кунлик вазнига таъсири, (мг)

Гуруҳларида	n	Lim	X±Sx	Cv,%
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	10	209-254	231,5±1,13	2,50
II-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+майсали буғдой (сумалак) суви	10	277-290	283,0±1,22	2,23
III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ мультимакс премикси	10	217-276	246,5±1,19	2,45

4-жадвал маълумотларидан маълумки, назорат гуруҳидаги она асалари личинкалари жуда енгил вазнга эга бўлган, энг оғири, II- тажриба гуруҳидаги майсали буғдой (сумалак) суви озиклантирилганда личинкалар 283,0 мг. вазнига эга бўлган, ёки улар назорат гуруҳига нисбатан, 122,2 % га кўп бўлган (P>0,999). Худди шундай III-тажриба гуруҳидаги личинкалар 246,5 мг вазнга эга бўлган ёки улар назорат гуруҳига нисбатан 106,5 % га кўп бўлган. Бу барча гуруҳларга ишончли бўлиб, ўзгарувчанлик коэффициенти 2,23-2,45 % ни ташкил этади (P>0,999).

Она асалари личинкаларининг вазнини ошишига тарбияловчи оилаларга берилган оксилга ва витаминларга бой бўлган, майсали буғдой (сумалак) сувининг таъсири жуда катта.

5-жадвал

Турли хил озуқаларни бир кунлик она асалари вазнига таъсири, (мг)

Гуруҳлари	n	Уруғланмаган она асалари вазни, мг.		
		Lim	X±Sx	Cv, %
28 апрел				
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	10	185-210	196,2±2,81	4,53
II- тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ майсали буғдой (сумалак) суви	10	214-234	224,3±2,54	3,58
III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ мультимакс премекси	10	190-223	214,0±3,49	5,16
13 май				
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	10	188-217	199,0±3,11	4,93
II- тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+майсали буғдой (сумалак) суви	10	220-242	230,0±2,53	3,47
III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ мультимакс премекси	10	195-231	215,1±4,69	6,89

5-жадвал маълумотларидан кўрсатишича, биологик фаол моддалар билан озиқлантирилган, II-тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткич 28,1 мг ни ташкил этган ($P>0,999$). III–тажриба гуруҳларида, апрель ойида, назорат гуруҳига нисбатан она асалари вазни 17,8 мг га ортиқ бўлган, Худди шундай май ойида етиштирилган она асалариларда ҳам бу кўрсаткичлар яққол кўзга ташланади. II-тажриба гуруҳида эса 31,0 мг.га кўп бўлган ($P>0,999$), ўзгарувчанлик даражаси эса Cv, 3,47 % ни ташкил этган. ($P>0,999$) III-тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан, она асалари вазни 16,1 мг га кўп бўлган.

6-жадвал

Асалари танасидаги ёғ микдоринингқишлоб даврида ўзгариши, (X±Sx)

Гуруҳлар	декабрь	Cv,%	январь	Cv,%	февраль	Cv,%
I-назорат гуруҳ, 50% ли шакар шарбати	2,78±0,17	2,90	2,30±0,15	2,01	1,54±0,16	2,14
II- тажриба гуруҳ, 50% ли шакар шарбати + майсали буғдой (сумалак) суви	3,76±0,13	3,65	3,19±0,16	2,35	2,25±0,15	3,39
III-тажриба гуруҳ,	2,95±0,11	3,19	2,81±0,1	2,14	2,04±0,	3,21

50% ли шакар шарбати+ мультимакс премикси			7		14	
---	--	--	---	--	----	--

6-жадвал маълумотларидан шундан хуласа қилиш мумкинки, тадқиқотларнинг биринчи ойдан бошлаб, тажриба гуруҳларида ўзгаришлар жуда катта эканлиги кўзга ташланди. II-тажриба гуруҳида декабрь ойида, назорат гуруҳига нисбатан ёғ миқдори 135,2 %, январь ойида 138,6 % ва февраль ойида эса 146,1 % га кўп бўлган. Шунингдек, III-тажриба гуруҳида бу кўрсаткичлар декабрь ойида 106,1 % га январь ойида 122,2 % га ва апрел ойида эса 132,3 % га кўп бўлганлиги аниқланди. Бу ҳамма гуруҳларда ишончлилиги ($P > 0,999$) га тенг бўлган. Бизнинг тадқиқотларимизда тажриба гуруҳларида майсали буғдой (сумалак) суви билан озикланган асалари оилалари танасида, ёғ миқдори бир неча бор кўпайганлиги ва улар қишлоқ даврида асалариларни соғлом чиқишига ва қишлоқга чидамлилигини оширишга ижобий таъсир этганлиги кузатилган.

7-жадвал

Турли хил озуқалар билан озиклантиришнинг асалари оиласини қишлоқ даври ва баҳорги ривожланишига таъсири. ($X \pm Sx$)

Кўрсаткичлар	I- назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	II-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ майсали буғдой (сумалак) суви	Назорат-га нисбатан, %	III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ мультимакс премикси	Назорат-га нисбатан, %
Қишлоқдан олдин асалари миқдори, (йўлакча ҳисобида)	6,0±0,01	8,2±0,07	136,2	7,3±0,09	121,6
Баҳорда асалари миқдори, (йўлакча ҳисобида)	5,80±0,04	7,9±0,08	136,2	6,0±0,10	103,4
Қишлоқ даврида асалари ўлими, (г)	0,49±0,01	0,21±0,09	42,8	0,22±0,12	44,8
Баҳорда насл миқдори, (квадрат)	70,2±0,19	76,0±0,56	108,2	73,1±0,72	104,1
Қишлоқ даврида озуқа сарфи, (кг)	10,7±0,15	9,9±0,14	92,5	10,1±0,10	94,4

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сумалак суви билан озикланган II-тажриба гуруҳида, қишлоқ даврида озуқа сарфи ҳар бир оилага 9,9 кг ни ташкил этган, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 10,7 кг га тенг бўлган. Бу эса назорат гуруҳида, тажриба гуруҳларига нисбатан 0,8 кг ёки 92,5 % кўп озиқа сарфлаган. Қишлоқ даврида тажриба гуруҳларида асалари ўлими 0,21-

0,22 г ни ташкил этган. Бу эса назорат гуруҳига нисбатан 42,8-44,8 % камдир. Бахор кунларида асалари насли етиштириши ҳам кўп бўлган ва улар II-тажриба гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан 108,2 % га тенг бўлган. Бу ҳамма вариантларда ишончли бўлиб, ишончлилик даражаси ($P>0,999$) ни ташкил этган. Майсали буғдой (сумалак) сувини асалари оиласи қишлоғига таъсири хусусан бахор фаслида яққол кўзга ташланди, II-тажриба гуруҳида уяни ифлосланиши 0-33,4 % га, орқа ичагида нажас миқдори 11,1 % га кам бўлган. Бундай кўрсаткичлар, I-тажриба гуруҳида ҳам кузатилган ва назоратга нисбатан 6,1 % га кўп бўлган ($P>0,999$).

Асалари оиласини қишлоғга тайёрлаш олдидан, унинг озукаси таркибига майсали буғдой (сумалак) сувини қўшиб бериш, асалариларнинг физиологик ҳолатини яхшилаган. Асаларининг орқа ичагида тўпланиб қоладиган нажас таркибидаги, бўлинмайдиган аминокислота, оксилларини парчалаб, уларнинг ичакларида сўрилишини бирмунча тезлаштирди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзгарувчан иқлим шароитида қишлоғга кирадиган асалариларнинг қишлоғ жараёнларини мувофиқлаштириб турди ва қишлоғ даврида, уларнинг совуққа чидамлилигини 5-20 % га оширди.

8-жадвал

Турли хил озукаларни тажриба гуруҳларидаги асалари оилаларининг маҳсулдорлигига таъсири, (n=10)

Гуруҳлар	n	Ялпи асал маҳсулдорлиги, (кг)	Товар асал маҳсулдорлиги, (кг)	Янги рамка қурди, (дона)	Мум маҳсулдорлиги, (кг)
I-назорат гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати	10	42,1±0,96	27,1±0,17	4,1±0,10	2,1±0,31
II-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ майсали буғдой сумалак) суви	10	54,5±1,42	40,5±0,61	5,9±0,14	3,3±0,46
III-тажриба гуруҳ, 50 % ли шакар шарбати+ мультимакс премикси	10	49,2±1,51	35,2±0,71	4,5±0,13	2,8±0,39

8-жадвал маълумотларини кўрсатишича, сумалак суви билан озиклантирилган тажриба гуруҳидаги асалари оилалари кўп миқдорда ялпи асал маҳсулоти тўплашга эришган. II-тажриба гуруҳида 54,5 кг ялпи асал ҳосили тўпланган бўлса, назорат гуруҳларида эса бу кўрсаткич 42,1 кг ни ташкил этди, ёки тажриба гуруҳларида назоратга нисбатан 12,4 кг кўп асал олинган. (129,4 %). III-тажриба гуруҳларда эса бу кўрсаткич 49,2 кг ва товар асал эса 35,2 кг. ни ташкил этган. Бу эса 7,1 кг ни ташкил этган (110,8 %) Худди шундай, янги асалари рамкаларини қуришда тажриба гуруҳи 1,8 тадан зиёд (143,9 %) янги рамкалар қурган ва мум маҳсулотидан 2,8-3,3 кг. дан кўпроқ (157,1 %) мум маҳсулоти тўплашга эришган.

ХУЛОСАЛАР

1. Асалари оиласи маҳсулдорлигини аниқлаш мақсадида, уларнинг танлаш ва барча кўрсаткичларини баҳолаш катта аҳамиятга эга. Тадқиқотларда улар бир-биридан деярли фарқ қилмади. Фақатгина она асаларининг серпуштлиги бўйича 0,3 балл ва наслий баҳолашда эса 0,2 балл фарқ сезиларли даражада намоён бўлди.

2. Асалари оиласидаги рамкалар оралиғидаги йўлакчалар сони дастлаб 4,8 тани ташкил этган бўлса, май ойига келиб уларнинг сони 8,4 тага етган, ўсиш 175,0 % га тенг бўлган. Худди шундай, асалари оиласидаги асаларилар миқдори ҳам мос равишда, дастлабки ойда 1,4 кг ни ташкил этган бўлса, май ойига келиб, уларнинг миқдори 2,5 кг.га етган ёки 178,5 % га ошган.

3. Асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишда, минерал озукалардан “селен” препарати катта аҳамиятга эга. Асалари озукаси таркибида 1,0 мг селен препарати қўшиб берилганда, уч ой мобайнида она асаларининг кунлик тухум қўйиши июнь ойига келиб, энг юқори кўрсаткич 2304,2 донани (Сv, 4,40 %) ташкил этган ёки бу назорат гуруҳларга нисбатан 126,7 % га ошган ($P>0,999$). Шунингдек, асалари озукаси таркибига 1 мг селен препарати қўшилганда асалариларнинг учинчи фаолияти тезлашган ва уларнинг ҳаётчанлиги 8-12 % га ошган.

4. Асаларичиликда сунъий усулда, она асалари етиштириш муҳим ҳисобланади. Тарбияловчи асалари оилаларига берилган, личинкаларни тарбиялаш, улар озукасига майсали буғдой (сумалак) суви қўшиб бериш личинкаларни қабул қилиш фозини, назорат гуруҳларига нисбатан 93,1 % га оширган ($P>0,999$). Она асалари вазни, унинг кунлик тухум қўйишига ижобий таъсир этган. Бир кунлик она асалари вазни апрель ойида 214,0 мг.ни ва май ойида эса унинг вазни 230,0 мг ни ташкил этган. Ёки улар назорат гуруҳига нисбатан 16,1 мг ва 31,0 мг га кўпдир.

5. Майсали буғдой (сумалак) сувининг кимёвий таркибида 13 хил минерал моддалар борлиги аниқланган. Булардан энг кўпини калий (130 мг) ва энг кам миқдорини эса магний (0,6 мг) ташкил этган. Шунингдек, 100 мл сумалак суви таркибида 6 хил тўйимли витаминлар, протеин (36,0 мг), углеводлар (32,0 мг), клетчатка (25,2 мг) ва ёғлар (4,27 мг) борлиги кузатилди.

6. Майсали буғдой (сумалак) суви билан озиклантирилган асалари оилаларида асал маҳсулдорлиги тажриба гуруҳларида 40,5 кг га ошган ва унинг асали таркибидаги сифат кўрсаткичлардан бири бўлган диастаза сони бирмунча яхшиланган ва унинг сони 15,5 % га ошган.

7. Иссиқхоналарда лимон ўсимлиги гулини, асалари ёрдамида чанглантериш, уларни ҳосилдорлигини оширган. Иссиқхоналарда боқилаётган асалариларни чанглатиш фаолиятини яхшилаган, озукаси

таркибида майсали буғдой (сумалак) суви қўшиб берилганда, уларни лимон гулларига учиш фаолияти соат 11-12 лар атрофида, назорат гуруҳларига нисбатан 23,4 марта кўп бўлган (127,1 %). Худди шундай, уларни лимон гулларидан гулчанг тўплаш қобилияти ҳам бирмунча ошган ва шу даврда, уларнинг оёқчаларида гулчанг тўплами 18,11 донани ташкил этган. Бу эса назорат гуруҳига нисбатан 128,4 % кўпдир.

8. Иссиқхоналарда асалари оиласини ўсиш, ривожланишини таъминлаш ва она асаларини кунлик тухум қўйишини ошириш мақсадида, улар озиқаси таркибида сумалак сувини қўшиб бериш катта аҳамият касб этган. Шу мақсадда, асаларининг кунлик тухум қўйиши ва оилада насл миқдори март ойида 71,1 квадратни ташкил этган бўлса, унинг миқдори ой сайин ошиб, апрель ойида 143,2 квадратга ва май ойига келиб эса 206,9 квадратга етган ва ўсиш миқдори 288,5 % ни ташкил қилган.

9. Қишлов даврида асалари оиласи талофатига йўл қўймаслик мақсадида қишловдан олдин, уларнинг озуқаси таркибида сумалак суви қўшиб берилганда, асалари организмда ёғ миқдори ўзгариб турган ва тажриба гуруҳларида, декабрь ойида назорат гуруҳларига нисбатан, 35,2 %, январь ойида 33,4 % ва февраль ойида эса 46,1 % кўп бўлган. Натижада, қишлов даврида асаларилар соғлом ва ҳеч қандай ич кетиш касалликларга чалинмасдан чиқишига ижобий таъсир этган.

10. Асалари қишловини талофатсиз ўтказилиши, уларнинг орқа ичагида тўпланиб қоладиган нажас миқдорига ҳам катта таъсир этган ва нажас миқдори февраль ойида энг кам 10,7 мг бўлган. Назорат гуруҳида эса, бу кўрсаткич 28,2 мг га тенг бўлган, ёки бу кўрсаткич, назорат гуруҳларида 17,5 мг га кўп бўлган.

11. Асалари оиласини маҳсулдорлигини оширишда ишлатиладиган майсали буғдой (сумалак) суви иқтисодий жихатдан самарали эканлигини кўрсатади. 2018 йилда ҳар бир асалари оиласидан соф фойда 768,5 минг сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси эса 87,3 % га тенг бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.12.2019. QX.75.01 ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

МАХМАДИЯРОВ ОТАБЕК АХАТКУЛОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ПРИРОДНЫХ И МИНЕРАЛЬНЫХ КОРМОВ ПРИ ПОВЫШЕНИИ
ПРОДУКТИВНОСТИ ПЧЕЛ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**06.02.03. Частная зоотехния. Технология производства
продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Самарканд -2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день обеспечение потребностей населения в продуктах питания является важной задачей во всех странах мира. Немаловажное значение имеет при этом развитие пчеловодства, повышение его продуктивности.

Выдающиеся породы созданы в странах с развитым пчеловодством и породные типы пчел мирового генофонда, совершенствуется местные породы пчел, совершенствуется кормление пчел на основе современных инновационных технологий, в результате чего получают в среднем 50-60 кг товарного меда с каждой семьи.

В своеобразных природно-климатических условиях Узбекистана выращивание пчелиной семьи на основе интенсивной технологии весьма удобно. Поэтому пчеловодство является важной отраслью сельского хозяйства республики. Полезность пчеловодства ещё заключается в том, что пчелы путем опыления многочисленных культур повышают их урожайность на 10-60%. При опылении хлопка, люцерны и других сельскохозяйственных культур, которые возделываются в обширных площадях в условиях нашей Республики, пчелы имеют важное место.

Установлено, что при пчелоопылении урожайность хлопка повышается на 2-4 центнера, количество хлопковых коробочек на 13-18 % и сокращается срок созревания на 3-55 дней. Кроме этого, улучшается качество хлопковых волокон, увеличилось содержание жира хлопковых семян. Это в свою очередь дает возможность заготовки семян хлопчатника на следующий год с высоким качеством. В хозяйствах, где ведется пчеловодство, урожайность плодовых деревьев повышается на 35-60 % , семена люцерны –на 13,9-15,1%, бахчевых и овощных культур на 35-60%. Все это доказывает явного повышения урожайности культур при опылении пчелами.

Последние годы в Республике осуществляются ряд мероприятий по удовлетворению потребностей населения в продуктах питания и повышению объёмов производства высококачественного мёда.

16 октября 2017 года был принят Постановление Президента Республики Узбекистан за номером ПК-3327 «О мероприятиях по дальнейшему развитию отрасли пчеловодства в Республике»².

В данном Постановлении предусмотрено увеличение объемов производства и переработки продуктов пчеловодства путем внедрения современных передовых технологий производства, в частности, укрепление кормовой базы пчеловодства путем применения организации централизованного производства искусственных кормов для пчел.

Но в последние годы в Республике в результате систематического кормления пчелиных семей сахаром привело к недостатку витаминов,

² 16 октября 2017 года принято Постановление Президента Республики Узбекистан за № ПК -3327 “О мероприятиях по дальнейшему развитию отрасли пчеловодства в Республике”

жиров, углеводов, аминокислот микро и макроэлементов в рационе пчел, особенно в ранневесенний период. Это отражается в понижении продуктивности пчел и снижении качества мёда. Необходимо применение природных и минеральных кормов, богатых микроэлементом при кормлении пчелиных семей.

2018 году в пчеловодческие хозяйства нашей Республики завезено более 100 тысяч породных пчел маток из Украины. Сейчас в стране насчитывается около 500 тыс. пчелиных маток. Для увеличения продуктивности пчелиных семей важную роль играет кормление разнообразными кормами с различным составом. В частности, в условиях нашей республики изучение кормления пчелиных семей с солодковой водой пророщенной пшеницы, разработка и внедрение эффективных методов его применения, и повышение продуктивности пчел на этой основе предусмотренных нормативно-правовыми документами, касательно данной отрасли является важной задачей зоотехнической науки, которым служит настоящая диссертационная работа в определенной степени.

